

Жума куни қилинган дуонинг қабул бўлиши



07:00 / 17.02.2023 6008

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида одамларга қурфоқчилик етди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам жума куни хутба қилиб турганларида бир аъробий туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мол-ҳол ҳалок бўлди, оилалар оч қолди, биз учун Аллоҳга дуо қилинг!», деди. Шунда у зот қўлларини кўтардилар. Осмонда бир парча булут кўринмаётган эди. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, қўлларини туширмаслариданоқ, тоғдек булутлар кўзғалди. Кейин у зот минбарларидан тушмай туриб, ёмғир соқолларидан томаётганини кўрдим. Ўша куни ҳам, эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейинги кун ҳам то кейинги жумагача ёмғир ёғди.

Ҳалиги аъробий - ёки бошқаси туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бинолар вайрон бўлди, мол-ҳол фарқ бўлди. Биз учун Аллоҳга дуо қилинг!» деди. Шунда у зот қўлларини кўтардилар-да: «Аллоҳим! Атрофимизга, устимизга эмас», дедилар. Булутлардан қайси тарафдагисига қўллари ила ишора қилсалар, тарқалиб кетар эди. Мадина худди юмалоқ чуқурдек бўлиб қолди. Водийда, яъни Қанотда бир ой сел оқди. Теварак-атрофдан келган киши борки, жалани гапирар эди».

Бухорий ривоят қилган.

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдик, бирдан Али келиб: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули! Ушбу Қуръон менинг кўксимдан чиқиб кетмоқда. Уни ёдлашга қодир бўла олмаяпман», - деди.

«Эй Абул Ҳасан! Сенга Аллоҳ улар ила манфаат берадиган ва сен ўргатганларга ҳам манфаат берадиган ҳамда таълим олган нарсангни кўксингда собит қиладиган калималарни ўргатиб қўяйми?» - дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули! Менга таълим беринг», - деди.

«Жума кечаси туннинг охиригидан учдан бирида туришга қодир бўлсанг, бу шохид бўлинган соатдир. Унда дуо ижобат бўлади. Биродарим Ёқуб ўз ўғилларига: «Тезда сизлар учун Роббимга истиффор айтурман», - деган. У буни жума кечаси келгунча айтган.

Агар қодир бўлмасанг, унинг ярмида тургин. Агар бунга ҳам қодир бўлмасанг, аввалида тургин. Тўрт ракаат намоз ўқи. Биринчи ракаатида Фотиҳа билан Йасин сурасини ўқи. Иккинчи ракаатида Фотиҳа билан «Ҳо Мим» - Духон сурасини ўқи. Учтинчи ракаатда Фотиҳа билан «Алиф лаам мийм. Танзийл... - Сажда» сурасини ўқи. Тўртинчи ракаатида Фотиҳа билан муфассалдаги «Мулк» сурасини ўқи. Ташаҳҳуддан фориф бўлганинда Аллоҳга ҳамд айт, Аллоҳга гўзал сано айт. Менга яхшилаб салават айт. Бошқа набийларга ҳам. Мўминлар ва мўминалар ҳамда сендан олдин иймон билан ўтган биродарларинг учун истиффор айт. Ана ўшалардан сўнг: «Аллоҳим! Мени қолдирган чоғингда маъсиятларни абадул-абад тарк қилдириб, раҳм қилгин. Ўзимга бефойда нарсаларга уринмаслик ила раҳм қилгин. Сени мендан рози қиладиган яхши назар насиб қилгин. Аллоҳим! Эй осмонлару ерни йўқдан бор қилган Зот! Эй жалол, икром ва мислсиз иззат эгаси! Ё Аллоҳ! Ё Роҳман! Жалолинг ила, Юзингнинг нури ила сўрайман! Китобингни Ўзинг менга таълим берганингдек ёд олишни қалбимга лозим қилгин! Уни Сени мендан рози қиладиган тарзда тиловат қилишни насиб этгин.

Аллоҳим! Эй осмонлару ерни йўқдан бор қилган Зот! Эй жалол, икром ва мислсиз иззат эгаси! Ё Аллоҳ! Ё Роҳман! Жалолинг ила,

юзингнинг нури ила сўрайман! Китобинг ила кўзимни мунаввар қилгин. У билан тилимни узун қилгин. У билан қалбимни очгин. У билан кўксимни кенгайтиргин. У ила баданимга амал қилдиргин. Чунки ҳақда менга Сендан ўзга ёрдам бера олмас. Уни Сендан ўзга бера олмас. Ҳол ва қувват фақатгина Аллоҳ биландир», дегин.

«Эй Абул Ҳасан! Буни уч жума ёки тўрт ёки беш (жума) қилгин. Аллоҳнинг изни ила ижобат қилинурсан. Мени ҳақ ила юборган Зот ила қасамки, бу ҳеч бир мўминни четлаб ўтмаган», дедилар».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо:

«Аллоҳга қасамки, беш ёки етти (жума) ўтиши билан Али соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига, худди аввалгига ўхшаш мажлисга келди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Авваллари тўрт оят ёки шунга яқингинасини ёд олар эдим. Уларни ўқийман десам, ёдимдан чиқиб қоларди. Энди эса қирқ ва шунга яқинини ёд оляпман. Уларни ўқисам, худди Аллоҳнинг Китоби кўз олдимда тургандек бўляпти. Ҳадисни ҳам эшитар эдим, лекин такрорламоқчи бўлсам, ёдимга келмасди. Энди эса сиз ҳадис айтганингизда бир ҳарфини ҳам қолдирмаяпман», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Эй Абул Ҳасан! Каъбанинг Робби ила қасамки, сен мўминсан!» дедилар.

Термизий ривоят қилган.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан